



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммадҷон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммадҷон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оғли
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Маҳмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ходжиматова Махсума Кучкаровна,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
"Сахна нутқи" кафедраси профессори

СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-17>

АННОТАЦИЯ

Мақолада сўзнинг маънавий қудрати ва бадий хусусияти ўрганилган. Биламизки сўз орқали фақат адабиётда, шеърятдагина ўз хиссиётларимиз ифода этилмайди. Сўз орқали сахнада, ойнаи жаҳонда, радиода муаллифлар фикрини ифода этиш мумкин, жумладан, сўз туйғули тушкунлик, изтироб, хурсандчилик туйғулари ифода этилади.

Калит сўзлар: санъат, сўз, бадий адабиёт, бадий хусусият.

Ходжиматова Махсума Кучкаровна,
Профессор кафедраси "Сценическая речь"
государственного института искусство и культуры Узбекистана

ДУХОВНАЯ СИЛА ИСКУССТВО СЛОВО

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается духовная сила и художественная специфика "слово". Так как, слово - главное выразительное средство не только литературы. Оно безраздельно господствует на сцене, на экране и радиоканалах, озвучивая мысли и чувства автора, то сокровенное и волнующее, что заставляет думать, страдать, радоваться, сопереживать.

Ключевые слова: искусство, слово, художественная литература, художественная специфика.

Khodzhimatova Makhsuma Kuchkarovna,
Professor of the department "Stage Speech"
State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

SPIRITUAL POWER WORD ART

ANNOTATION

The article discusses the spiritual power and literary specificity of the "word". Since the word is the main expressive means of not only literature. It reigns supreme on the stage, on the screen and on the radio channels, voicing the thoughts and feelings of the author, the innermost and exciting that makes you think, suffer, rejoice, empathize.

Key words: art, word, fiction, literary specificity

Дунёни англаш ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, мақсад-муддаоларини билиш учун, инсонларга хос энг олий туйғуни ҳис қилиш ва уни тафаккур оламига олиб кира билишлик давр талабидир. Дарҳақиқат, табиатнинг гултожи бўлмиш-инсон унинг эзгу-орзулари, бахт ва эрк йўлидаги тинимсиз меҳнатлари интилишларида, уни ҳаётини ҳақиқатга айланишида санъатнинг салмоқли ўрни бор, албатта.

Санъат - жуда қадимий тарихга эга. У жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни билан кишилар ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган. У даврда ҳали санъат инсон фаолиятининг мустақил шакли сифатида ажралиб чиққан эмас эди, чунки барча маънавий ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқаришга қўшилиб кетган эди. Кейинчалик маданиятнинг ўсиши натижасида санъат аста секин инсон фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқди. Фалсафа вужудга келиши билан эса у санъатнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи кучли омилга айланди. Ўз навбатида, санъат ҳам дунёни бадиий тасаввур қилиш сифатида фалсафага қатта таъсир кўрсатади.

Санъатда гўзаллик категорияси муҳим аҳамият касб этади. Гўзалликсиз санъат ҳақида ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Санъатда яна мазмун ва шакл категориялар алоҳида аҳамиятга эгадир. Санъатнинг мазмуни унинг объектив воқеликнинг маълум ғоявий қараш орқали бадиий образларда акс эттиришидир. Санъатнинг бадиий шакли тил, композицион тузилиши образ кабилар бўлиб улар мазмунни ифодалаш учун хизмат қилади. Инсоннинг бадиий ижоди ранг-баранг бўлиб, у санъат турлари ёки жанрларда намоён бўлади. Энг қадимий санъат тури бўлган театр ҳаминша миллатнинг кўзгуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботчиси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Даврлар ўзгаради, авлодлар алмашади бироқ, санъаткорнинг томошабин ва халқ олдидаги маъсулияти, бурчи, вазифаси, мақсади ўзгармайди аксинча давр руҳи билан бойитилиб сайқалланади. Театр санъати воситасида одамларни эзгуликка чорлаш ҳар доимгидек санъатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Биринчи президентимиз Ислом Каримов Бухоро шаҳрига ташриф буюриб, вилоят мусиқали драма театр биносига санъаткорлар билан суҳбат қуриб, ўз фикр - мулоҳазаларни билдириб - "Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган келажакка ишончини оширадиган ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш керак" [1] дея куюнчаклик билан айтилган гаплари театр санъати вакиллари изланишга, ғоявий жиҳатдан пухта саҳна асарлари яратишга ундамоқда. Театр инсонлар онгига тез ва кучли таъсир қила олиш қудратига эга санъат бўлиб, унда бевосита томошабинлар билан бирга жонли мулоқот, саҳнада кечаётган воқеалар ҳам кўз олдимизда рўй беради.

Томошабинларнинг спектакл қаҳрамонлари билан бирга қайғуриши, шодлиги ва бахтига қувониши ҳам актёр билан томошабинни узвий боғланишга омил воситалардир. Албатта юксак ва таъсирли ижро маҳорати билан яқунланган спектакль томошабин қалбидан жой олиб, бир неча кун, ҳатто ойлаб ундан таъсирланиш ҳолати кечади ва руҳий ҳолатида ўзгаришлар содир этади. Таъсир кучининг қудрати шундаки, томошабин унга ҳар доим эҳтиёж сезади. Бу узвийликни сақлаб қолиш эса ҳаётдаги воқеалар ичидан саҳна асари учун характерли мавзулар танлаб, шунга мос келадиган воқеалар сюжетини яратиб бадиий яхлитликка эга бўлган, мукамал, мазмун-моҳияти чуқур, ҳар бир замондошимиз маънавий оламига ибрат бўла оладиган қаҳрамонлар образини яратиш орқали эришиш мумкин.

Шу ўринда Ўзбек Миллий академик драма театри саҳналаштирган "Бир қадам йўл" (реж. В.Умаров, У.Азим асари), "Қирмизи олма" (реж. М.Абдуллаева, Ҳ.Аббосхон асари), "Дадажон демайман" (реж. М.Абдуллаева, С.Имомов асари), "Ўзбекча рақс" (реж. Т.Азизов, З.Ахмедова, Н.Аббосхон асари), "Рустам" (реж. Т.Азизов, З.Ахмедова, У.Исмоилов асари) "Огоҳ бўлинг одамлар" (реж. В.Умаров, У.Азим асари) "Ойдин" (реж. В.Умаров, Р.Муҳаммажонов асари) каби спектакллар, юқорида санаб ўтилган жиҳатлари билан мустақиллик даври учун маънавий хизмат қила оладиган, юксак бадиий салоҳиятга эга саҳна санъати намуналаридир.[2] Мисол учун, "Ўзбекча рақс" спектаклида миллатимизга хос бўлган бағри кенглик, бардошлилик ва оқиллик, меҳнатсеварлик, болажонлилик каби чин инсоний фазилятлар ҳақида ҳикоя қилинади. Маънавий қадриятларни улуғлаш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, аёл - она ҳар доим ҳам пок қалб соҳибаси, оилага садоқат, инсоф ва адолат ҳаёт ҳақиқатининг тимсоли эканлигини биз Қумри образи, Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромова ижросида кўраимиз. Спектаклни томоша қилиш давомида Қумрининг ҳаёти мобайнида чеккан истироблари-ю, шодон кунларига шоҳид бўламиз. Айтиш мумкинки, Д.Икромова ролни ижро этмаябди, унда яшайди. Буни биз унинг сўзларида, партнёр билан бўлган мулоқотида ва монологларида - спектаклдаги энг чўққи саҳна бўлган зикр тушиш саҳнасида кўраимиз. Саҳнадаги актёр билан ҳамнафасликда, томошабин ҳам борлиқни унитлади. Дилидаги қалб тугёнларини фарзанди, жигарбанди омон қолиши учун Аллоҳга қилган муножотларини эшитиб, қалбимиз жумбушга келади. Саҳнавий ҳақиқатни, ҳаётини ҳақиқатга айлантира билишлик санъати нақадар мураккаб ва машаққатли эканлигига ўзингиз ҳам тасаннолар айтиб, кўзларингизга ёш келиб бевосита қарсак чалиб юборасиз. Воқеалар ривожини томошабинни бир зум бўлсин бепарволикка қўймайди. Ўзбек халқининг қалби, инсоний фазилятлари унинг рақсида ҳам ўз бадиий ифодасини топади. Қандай гўзал урф-одатларимиз борлигидан, ҳар қандай заҳматларга қаддини букмайдиган аёлларимиз борлигига шукроналар қиламиз. "Ўзбекча рақс" халқимизнинг мустақилликка босиб ўтган узоқ ва машаққатли йўлининг бир парчаси. Спектакл режиссёрининг саҳна асардаги илгари сураётган гоёси инсонларнинг миллати, диний эътиқоди турлича бўлган тақдирда ҳам инсонийликни йўқотмаслик, соф муҳаббатни асраш ва оила муқаддаслигини юксакларга кўтаришдир. Фикримизча, ижодкорлар ўз мақсад-муддаоларига эриша олганлар.

Шу ўринда яна бир долзарб мавзуга ёндошилган саҳна асарини олайлик. Рихсивой Муҳаммажоновнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист В.Умаров саҳналаштирган "Ойдин" спектакли инсоният қисматининг энг чиркин иллати

бўлган одам савдоси ва унинг ноҳуш оқибатларини фош этади.[3] Асар персонажлари ўз ҳаётини тўғри танлай олмай турли алдов ва хиёнат исканжасига тушиб қолган-адашган ва жабр кўрган аёлларнинг аччиқ қисмати ҳақида. Асарни саҳналаштириш мобайнида ижодий жамоа фақат бир мақсадга ёндошдилар. Персонажларнинг алдов ва хиёнатлардан ўзини ҳимоя қилолмай, маънавий инқирозга юз тутганлигини, воқеалар ривожи ва изчиллигида намоён қиладилар. Спектакл режиссёри В.Умаров ўзбек театр саҳналарига энди кириб келаётган янги услубдан фойдаланган. Бу спектакл жараёнида қаҳрамонлар мақсадини амалга ошириш учун уни томошабинга янада таъсирлироқ етказиш учун оммавий ахборот воситаси-телевидениеда намоёиш этилаётган кўрсатувни, унда кўтарилаётган долзарб мавзу-одам савдоси, инсонларни огоҳликка чорловчи ва ундан қутулишдаги давлатимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирларини халққа саҳнада экран орқали етказиш билан бошланади.

Реаблитация марказида даволанаётган жабрдийда аёллар ҳам томоша қилиб, журналист билан учрашиб бошларидан ўтган барча азоб-уқубатларни телевидение орқали юртдошларимизга етказишни мақсад қиладилар. Асар қаҳрамони Ойдин (Шодия Тўхтаева). Спектаклнинг яна бир персонажи Хуршида (Нодира Маҳмудова) пул топиш йўлида ҳеч қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган, товламачи аёлдир. У Ойдиннинг эри Самандар (Миролим Қиличев) орқали қизларнинг олдида гўё ўзини уларнинг дардига шерик бўлган фариштадек кўрсатиб, "савоб учун" уларни Туркияга ишга жўнатиб, у ерда кўп пул топиши тез кунда уй-жойли ва машинага эга бўлишларига ишонтиради.

Ваҳоланки, бундай тоифадаги аёллар сиз-у- бизнинг орамизда юрган маккора "илон" ниқоби остидаги манфур кимсадир. Унинг ўзига жалб қилиш усули таъсирчан, лекин бузғунчилик ғояси орқали эришади, оқибатда азият чекаётган қанчадан-қанча оилалар, аёллар, айниқса ёш қизлар ўзга юртларда хору-зорликда таҳқирланиб, қуллик азобини тортишади. Ойдин реабилитация марказидаги қизларнинг дарду-хасратларини эшитиб, алданган аёлларни Хуршиданинг тузоғига эри Самандар илинтириб берганлигини сезганидан сўнг дунё кўзига тор кўринади. Оиласига Самандарга бўлган муҳаббати кучли бўлса ҳам, уни қилмишлари учун кечира олмайди. Спектакл финалида фош этилиб қўлга олинган Хуршида қамалишдан қўрқмаслигини, у фақат фарзандларининг қандай бош кўтариб юришларини ўйлаб қайғуради. У гулдек ўзбек қизларини ҳаётга қайтариш, оиласи ва жамият олдида "фоҳиша" деган тамгадан оқлаш ва ҳимоя қилишга интилади. Спектаклнинг бош ғояси ва томошабинни бефарқ қолдирмайдиган, ҳаяжонга соладиган, огоҳликка чорлайдиган ибрати ҳам аслида шунда. Спектаклнинг жамоатчиликка тақдимотидан сўнги муҳокамада театршунослар томонидан, "экран фақат саҳнадаги воқеаларнинг натижасини бераяпти, жараён кўрсатилмаяпти" деган танқидий фикрларни билдиришди.

Спектакл режиссёри жараёнида персонажларнинг воқеаларни эслаши орқали намоёиш этапти. Актёрлар журналистга интервью бера туриб, саҳна айланиши билан бошқа бир шарт-шароитдаги қўйилган вазифани бажаришга ўтаяпти. Кейинги воқеа тугаши билан яна интервью саҳнасига ўтаяпти ва бу жараёнда актёрга бир мунча қийинчилик туғилади, чунки эслаб ҳикоялаб бериш ва бир зумда ўша ҳикояни жонлантириб бериш актёрлик санъатида катта маҳорат талаб қиладиган унсурлардан биридир. Жабрдийда аёл Нодиранинг (Азиза Шарипова) бошидан ўтказган азоб-уқубатларини эслаб гапириб бериши экран орқали йирик планда

томошабинга кўрсатилаяпти. Режиссёрнинг замонавий коммуникатив услублардан фойдаланиши ушбу спектаклнинг мувофақиятини таъминлайди. Спектакл персонажлари ёш актёрлар бўлишларига қарамасдан бунинг тўлақонли ижросига эришдилар. Бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоларидан бири, инсонларни маънавий инқирози. Зеро у жамиятни тубдан емириб фалажлантиради, маънавиятнинг ҳар қачонгидан ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини ҳис этиш ҳар бир инсоннинг ҳар бир соҳа эгасининг, айниқса санъат ва маданият соҳаси кишиларининг энг муҳим, катта масъулият талаб этадиган ҳаётий эҳтиёжидир. "Ойдин" спектаклининг ижодкорлари ўз олдларига қўйган вазифани удалай олдилар.

Театр санъатида драматик асар ғоясини очиш саҳна нутқининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Сўз оҳангида намоён бўладиган муддаонинг бадиий шаклда ифодаланиши, саҳна нутқининг олий мақсадидир. Бу мақсад жонли сўз таъсирчанлигини ошириш ва унга эстетик нафосат бағишлай олишга йўналтирилган. Биз юқорида таҳлил мисолида кўриб чиққан саҳна асарларини томошабин пьесани ўқиб чиқиш билан ҳам чекланиши мумкин, лекин у ижрочи талқинида янада чуқурроқ, аниқроқ, ёруғроқ, эстетик жозибатор мазмун касб этганлиги учун уни томоша қилишга қарор қилади. Томоша қилиш мобайнида эса актёрнинг таъсирчан, бадиий тафаккури маҳсули бўлмиш-сўз ва унга монанд кўз, қиёфа, яъни руҳий ва жисмоний уйғунликни англаймиз.

Алишер Навоий таъкидлаганидек:

Не латофат дурурки, гоҳи баён,

Кўзга пинҳон дурур, қулоққа аён.

Театр санъати бадиий сўзнинг энг зарурий таркибий қисми сифатида қабул қилади. Гегель айтганидек: театр-муסיқа, рақс, безак каби қатор имкониятлардан баҳраманд бўлгани ҳолда "Нутқ ва унинг нафосатига" алоҳида замин яратади. Қандай жанрдаги саҳна асари бўлмасин актёрнинг сўзи, мантиқ ва изчилликка, воқеаларнинг кескинлашуви ва жадал ҳаракат тусига кириши билан мақсадга мувофиқлашиб бориши керак. Мустаҳкам, мукамал бадиий образлар яратиш учун, ижрочи энг аввало бадиий сўз юксаклигига эришмоғи керак.

Халқимизнинг маънавий маданияти, чуқур илдизлар, манбааларга эга бўлгани ҳолда замонавий маданиятнинг равнақ топишида театр санъатининг ҳиссаси катта бўлиши лозим. Бунга театрнинг шу кунларги репертуаридан жой олган драматург Қўчқор Норқобилнинг "Тақдир синовлари" (реж.Н.Маҳмудова), Винья Дельмарнинг "Омон бўлгин азизим" (реж.О.Салимов), Иззат Султоннинг "Иймон" номли саҳна асарларида ҳам инсониятга хос, меҳр - оқибат, камтарлик, оилага, ватанга садоқат каби энг эзгу фазилатлар томошабинларга маънавий озуқа бшлиб келмоқда. Зеро, буюк маърифатпаравар бобокалонимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий[5]"Театр-бу ибратхонадур", - деб айтган оқилона сўзи замирида ҳам фалсафий мушоҳада қилишга оид жиҳатлар мавжудки, булар-миллий замонамиз қаҳрамонлари сиймоларини яратиш, тарбиявий аҳамиятга молик қадриятларимиз, миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасини тўлақонли акс эттирган саҳна асарларини халққа бекаму-кўст тақдим этиб боришдир.

Маънавий баркамолликка эришиш йўлидаги ислоҳатларда бугунги кунда юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан давлатимиз раҳбари томонидан "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус" нинг биринчисидан айнан ёшларнинг

музиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Бу борада санъат мактаблари қошидаги театр санъати йўналишида иш олиб бораётган педагогларнинг ўзлари таниқли актёр ва режиссёрлардан ташкил топиши, диёримиздан етишиб чиққан истеъдодли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар ижодини чуқур ўрганилиши, фарзандларимизга кичик ёшдан оқ театр санъати ва унда ижро этиладиган жанрларга таъсирчан сўзнинг уларга, маънавий озуқа бўлиши, миллий меросимизга муҳаббат ва содиқлик руҳидаги тарбияланишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Яратилаётган барча саҳна санъати асарларидан тўғри хулоса чиқариш, бадиийликни ҳаётий ҳақиқат билан таққослай олиш, спектакл ғоясининг миллий ва умуминсоний ғояларга хизмат қилиши ва ечимларини топишда ижод аҳли ўзининг чуқур тафаккури, дунёқараши ва билимини ҳар доим ошириши ва мукаммалаштиришга эришмоғи лозимдир. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, санъатнинг қайси тури бўлмасин, у энг олий инсоний юксак ҳиссиётларни, таъсирчан бадиий сўз орқали инъом этувчи манбадирки, унинг маънавий қудрати ҳам бадиий етуклиги ва мазмундорлиги ҳам мукаммал ижод маҳсулидадир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т., Маънавият, 2008.
2. Исломов Т. Тарих ва театр. -Т., ўафур ўулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
3. Гурсунов Т. Саҳна ва замон. -Т., Янги аср, 2007.
4. Аҳмедов Б. Навоий замондошлари хотирасида. -Т., ўафур ўулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
5. Аҳмаджонова М. Бухорода санъат байрами. -Т., "Театр" журналы, №1, 2011.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000